



2020 yil «10» ноябрь

№ 689 -К

Toyloq sh. – г. Тойляк

Самарқанд вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги 160-Қ-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 октябрдаги “Самарқанд вилояти иқтисодиёти тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 612-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори тўғрисида

Самарқанд вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги 160-Қ-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 октябрдаги “Самарқанд вилояти иқтисодиёти тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 612-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда туман иқтисодиёти тармоқлари, корхоналари ва муассасаларини ҳамда уй-жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш, туман Адлия бўлимининг 2020 йил 10 ноябрдаги 7/692-сонли “Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси экспертизадан ўтказиш юзасидан хулоса”сига мувофиқ, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Узбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги 160-Қ-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 октябрдаги “Самарқанд вилояти иқтисодиёти тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 612-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Самарқанд вилояти иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлари;

Самарқанд вилоятида кўп квартирали турар жой фондини капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари;

Самарқанд вилоятида иссиқлик ва ичимлик суви таъминоти обьектларини ҳамда технологик асбоб-ускуналарни куз-қиши мавсумига тайёрлаш параметрлари;

Самарқанд вилоятида электр тармоклари ва қурилмаларини куз-киш даврида ишлашга тайёрлаш параметрлари;

Самарқанд вилоятида газ таъминоти объектлари ва қурилмаларининг куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш параметрлари;

Самарқанд вилоятида ижтимоий соҳа объектларини жорий таъмирлаш параметрлари;

Самарқанд вилоятида куз-киш мавсумида ахолига суюлтирилган газ етказиб бериш параметрлари;

Самарқанд вилоятида куз-киш мавсумига кўмир маҳсулотларини ғамлаш параметрлари;

Самарқанд вилояти иқтисодиёт тармоклари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали тураг жой фондини 2020/2021 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш учун йўналтириладиган маблағлар ва уларнинг манбалари;

Самарқанд вилоятининг олис ва бориш қийин бўлган ҳамда тоғли худудларда жойлашган ва сел келиши оқибатида йўллари талофат қўриши эҳтимоли мавжуд қишлоқларда кўмир, суюлтирилган газ ва асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари заҳирасини яратиш параметрлари тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Кўйидагилар:

туман иқтисодиёти тармоклари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали тураг жой фондини 2020/2021 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

туман иқтисодиёти тармоклари ва ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали тураг жой фондини 2020/2021 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Туман комиссияси:

бир хафта муддатда туман иқтисодиёти тармокларини 2020/2021 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш асосида коммунал соҳа ташкилотлари, қозонхоналар, кўп квартирали уйлар, таълим муассасалари, соғликни сақлаш муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини 2020/2021 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида жойлардаги ишларнинг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилишини;

тегишли бўлим, корхона ва ташкилотлар бўйича туман ҳокимининг ўринбосарлари томонидан:

ҳар бир корхона ва ташкилотлар билан келишган ҳолда ушбу қарор билан тасдиқланган комплекс тадбирларни амалга оширишнинг батафсил тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, шунингдек, туман иқтисодиёти тармоклари ва ижтимоий соҳани 2020/2021 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва таъминлаш параметрлари ўз вактида бажарилишини таъминласин.

5. Кўйидагилар:

туман ҳокимининг ўринбосарлари (Т.Хожикулов, Ж.Ҳақбердиев), туман уй-жой коммунал хизмат қўрсатиши бўлими (Қ.Ражабов), сектор раҳбарлари, тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига иқтисодиёт тармоклари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали тураг жой фондини куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашга йўналтирилган тадбирлар ҳамда ишлар ўз вактида ва сифатли бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсан.

туман уй-жой коммунал хизмат қўрсатиши бўлими (Қ.Ражабов)га Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонаси билан биргаликда 2 кун муддатда тумандаги уй-жой коммунал хўжалиги инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникация объектларининг ҳолати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ

қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлардан келиб чиқиб, куз-қиши мавсумига тайёргарлик бўйича “кизил”, “сарик” ва “яшил” зоналарга ажратсин;

туман халқ таълими бўлими (Х.Хожиқулов), мактабгача таълим бўлими (М.Мирвафоева), туман тиббиёт бирлашмаси (У.Сувонов), туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими (Б.Муродов), туман маданият бўлими (Ф.Сирожиддинов) ижтимоий соҳа обьектларини, жумладан мактабгача таълим, халқ таълими, соғликни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт обьектларини куз-қиши мавсумидан беталофат ўtkазиш юзасидан манзилли тадбирларни белгиласин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин;

туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (Қ.Ражабов)га тумандаги “Тойлоқ коммунал ширкат” уй-жой мулқдорлар ширкатининг молиявий ҳолатини, айланма маблағлардан фойдаланиш ва ҳисоб-китоб тизимини таҳлил қилиб, уни такомиллаштириш ва дебитор қарзорлигини қисқартириш чораларини кўриш;

туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Хўжамуродов), туман молия бўлими (А.Мирзаев)га муҳандислик-коммуникация обьектлари ва технологик ускуналарни мавсумга тайёрлаш ҳамда ижтимоий соҳа обьектларини куз-қиши давридан беталофат ўtkазиш билан боғлик чора-тадбирларни молиялаштириш учун жорий йилда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан керакли миқдорда маблағ ажратиш чораларини кўрсинг.

6. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Хўжамуродов), туман ҳокимининг ўринбосари-туман маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими (Н.Асадов), туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (А.Марупов) икки кун муддатда:

а) “темир дафтар”ларга киритилган моддий ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ оилалар билан алоҳида ишлаш тизимини яратсин. Бунда:

ҳар бир сектор раҳбари томонидан сектор ва маҳаллалар кесимида куз-қиши “куз-қиши” темир дафтарининг шакллантирилишини;

куз-қиши мавсумига тайёргарлик ишларини амалга оширишни биринчи навбатда куз-қиши “темир дафтари”га киритилган оилаларга кўмир, суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш, озиқ-овқат заҳираси ва болаларини иссиқ кийим-кечак билан таъминлашдан бошлишни назарда тутсин.

б) “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан оилаларни куз-қиши мавсуми учун зарур озиқ-овқат ва дори-дармон захиралари билан таъминлаш чораларини кўрсинг.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), “Тойлоқтумангаз” филиали (М.Пардаев), туман электр таъминоти корхонаси (Ф.Муратов)ларга:

туманда, айниқса олис ва бориш қийин бўлган худудида аҳолини суюлтирилган газ ва қўмир ёқилғиси билан ўз вақтида таъминлаш;

худуддаги ижтимоий соҳа обьектлари, уларга хизмат кўрсатувчи қозонхоналар, сув иншоотлари ва насос станцияларини узлуксиз электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш;

трансформатор нимстанцияларини таъмирлаш, уларнинг баркарор ишлашини таъминлаш, аҳолига зарур микдорларда табиий ва суюлтирилган газ етказиб бериш ҳамда жойларда кўмир маҳсулотларининг ғамланиши билан боғлик муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш учун туман худудида мунтазам равиша аҳоли билан учрашувлар ўtkазиб бориш чораларини кўрсинг.

8. Туман сектор раҳбарлари (Ж.Рахмонкулов, Ш.Тоғаев, Ш.Шарипов), туман ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Хўжамуродов, Т.Хожиқулов, Ж.Ҳақбердиев)лар зиммасига иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиши даврида баркарор ишлашга тайёрлаш

бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

9. Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (К.Ражабов)га комиссия аъзолари билан биргаликда:

туманда куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни беталофат ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2020/2021 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят штабига кунлик маълумот тақдим этиб борсин;

хар ойда сектор раҳбарлари томонидан куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни беталофат ўтказиш юзасидан ҳалқ депутатлари туман кенгашига ҳисобот бериш бориш;

туман сектор раҳбарлари томонидан куз-киш мавсумига тайёргарлик ишлари бўйича вилоят телевидениясида “Очиқ мулоқот” ҳамда брифинглар ўтказиб борилишини таъминласин.

10. Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Хўжамуродов, Т.Хожиқулов, Ж.Хақбердиев) зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Б.Бабоназаров



Туман ҳокимининг 2020 йил
“10” ноябрдаги 689-К-сонли
қарорига 1-клава

Туман иқтисодиёти тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва қўйи квартирали туар жой
фондини 2020/2021 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

№	Чора тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
I. Ташкилий чора-тадбирлар			
1.	<p>Туман аҳоли яшаш пунктларида: ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, шу жумладан коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳамда ижтимоий соҳа обьектларининг иссиқлик таъминоти қозонхоналари, муҳандислик-коммуникация объектлари ва жиҳозларини таъмирлаш бўйича; аҳолига суюлтирилган газни (овкат пишириш учун) узлуксиз етказиб бериш, уларни кўмир ва кўмир брикетлари билан таъминлаш бўйича масъул ижрочилар ва бажариш муддатларини аниқ белгилаган ҳолда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	Икки кун	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), туман маҳалла ва оилани кўллаб-кувватлаш бўлими (Н.Асадов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (К.Ражабов), “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ туман филиали (Ж.Мўминов), «Тойлоқтумангаз” филиали (М.Пардаев), Тойлоқ туман электр таъминоти корхонаси (Ф.Муратов)</p>
2.	Иқтисодиёт тармоқларини 2020/2021 йиллар куз- киш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ бўлган суюлтирилган газ, кўмир, шу жумладан кўмир брикетини етказиб бериш бўйича зарурий чораларни куриш.	Белгиланган муддатда	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), “Тойлоқтумангаз” филиали (М.Пардаев)</p>
3.	Маишӣ газдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш.	Икки кун	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), туман Фавқулодда вазиятлар бўлими (А.Очилов) “Тойлоқтумангаз” филиали (М.Пардаев)</p>
4.	Туар жой мавзеларидағи кучаларда кичик ирригация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш.	Белгиланган муддатда	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (К.Ражабов)</p>
5.	Ишлаб чиқариш ва етказиб бериш балансини хисобга олган ҳолда, 2020 йил октябрь ойидан 2021 йил апрель ойига кадар бўлган давр мобайнida улгуржи истеъмолчилар ва аҳолига табиий газ етказиб бериш бўйича келишилган ойлик жадвал ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Икки кун	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), “Тойлоқтумангаз” филиали (М.Пардаев)</p>
II. Ёқилғи-енергетика мажмусини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар			
6.	<p>Асосий муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда технологик ускуналарни капитал ва жорий таъмирлаш, жумладан:</p> <p>“Тойлоқтумангаз” филиалининг 2 та газ тақсимлаш пунктини капитал таъмирлаш, 47 км газ кувурларини босим остида синаш ва тозалаш, 12 км ер ости қувурларини маҳсус приборлар ёрдамида текшириш ҳамда 321 та газ тақсимлаш пунктини тафтишдан ўtkазиш;</p> <p>Тойлоқ туман электр таъминоти корхонасининг 106,3 км паст кучланишли электр тармоқлари ва</p>	2020 йил 1 ноябрга қадар	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), “Тойлоқтумангаз” филиали (М.Пардаев), Тойлоқ туман электр таъминоти корхонаси (Ф.Муратов)</p>

	31 та трансформатор пунктини капитал хамда 255 км паст кучланиши электр тармоқлари ва 80 та трансформатор пунктини жорий таъмирлаш.		
7.	Куз-қиши даврида қозонхоналарнинг узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида соҳа ташкилотлари томонидан зарур суюқ ва қаттиқ ёқилғи захирасини яратиш.	2020 йил 1 ноябрга қадар	Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), “Тойлоқтумангаз” филиали (М.Пардаев)
8.	Аҳоли, ижтимоий соҳа обьектлари ва иктиносидиёт тармоқларининг кўмирга бўлган талабини тўлиқ қаноатлантириш.	2020/2021 йиллар куз-қиши мавсумида	Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Т.Хожиқулов, Ж.Ҳақбердиев)
9.	Туман ҳокимлигида шакллантирилган рўйхат асосида куз-қиши даврида табиий газ таъминотининг танқислиги кутилаётган аҳоли пунктларига тасдиқланган ойлик жадвалга асосан куз-қиши мавсумида 2,89 минг тонна, жумладан жорий йил октябрь-декабрь ойларида 1,41 минг тонна суюлтирилган газни кафолатланган тарзда етказиб бериш.	2020 йил октябр ойидан 2021 йил 1 апрелга қадар	Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), «Тойлоқтумангаз» филиали (М.Пардаев)
III. Кўп квартирали туар жой фондини тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар			
10.	Кўп квартирали туар жой фондини куз-қиши мавсумига тайёрлаш учун: “Тойлоқ коммунал ширкат” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг муаммоли қарздорлигини тўлиқ сўндириш графигини тасдиқлаш ва графикка асосан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ сўндириш чораларини кўриш.	Икки кун йил давомида	Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Хўжамуродов, Т.Хожиқулов), туман Молия бўлими (А.Мирзаев), АТБ “Агробанк” туман бўлими (Б.Ахмедов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бўлими (Қ.Ражабов), “Тойлоқ коммунал ширкат” ХУЖМШ (А.Қодиров)
11.	Маҳаллий бюджет, банк кредитлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан 4 та кўп квартирали уйда таъмирлаш ишларини сифатли амалга ошириш.	2020 йил 1 ноябрга қадар	Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бўлими (Қ.Ражабов), “Тойлоқ коммунал ширкат” ХУЖМШ (А.Қодиров)
12.	Кўп квартирали уйлар, бино ва иншоотларнинг ёнгинга қарши хавфсизлик техник меъёrlарига мослиги ҳолатини текшириб, кўп квартирали уйлардаги дудбўронларни ва вентиляция тизимларини таъмирлаш, изоляция қилиш ва тозалаш ишларини амалга ошириш.	Икки кун	Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бўлими (Қ.Ражабов), “Тойлоқтумангаз” бўлими (М.Пардаев)
13.	Истеъмолчиларни ишончли ва хавфсиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида кўп квартирали уйлarda электр энергиясидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.	Икки кун	Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), Тойлоқ туман электр таъминоти корхонаси (Ф.Муратов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бўлими (Қ.Ражабов)
IV. Ичимлик суви таъминоти обьектларини тайёрлап бўйича чора-тадбирлар			
14.	Ичимлик суви ва канализация тизимининг 1,3 км қисмини капитал ва 0,7 км қисмини жорий таъмирлаш.	2020 йил 1 ноябрга қадар	Туман ҳокимининг ўринбосари (Т.Хожиқулов), “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ туман филиали (Ж.Мўминов)
V. Ижтимоий соҳа обьектларини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар			
15.	Ижтимоий соҳа обьектларини куз-қиши мавсумига	2020 йил	Туман ҳокимининг ўринбосарлари

	<p>тайёрлаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш. Жумладан:</p> <p>4 та умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш;</p> <p>4 та мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш;</p> <p>Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактаби, касб-хунар мактаблари ҳамда бошқа муассасаларда, куз-қиши мавсумига тайёргарлик юзасидан барча зарур чораларни кўриш.</p>	1 ноябрга қадар	(Т.Хожикулов, Ж.Ҳақбердиев), туман Халқ таълим бўлими (Х.Хожикулов), туман Мактабгача таълим бўлими (М.Мирвафоева), туман тиббиёт бирлашмаси (У.Сувонов), Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (Б.Муродов), Маданият бўлими (Ф.Сироҷиддинов)
16.	Коронавирус инфекциясига карши курашиш бўйича ташкил қилинган маҳсус шифохоналар ва вактинчалик карантинда сақлаш мажмуаларини куз-қиши мавсумига тайёрлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар режасини ишлаб чикиш ва амалга ошириш.	2020 йил 15 октябрга қадар	Туман ҳокимининг ўринbosари (Ж.Ҳақбердиев), туман тиббиёт бирлашмаси (У.Сувонов)
17.	Бюджет ташкилотларининг қўмирда ишлайдиган қозонхона ва иситиш тизимларининг куз-қиши мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларни ишларини амалга ошириш.	2020 йил 15 октябрга қадар	Туман ҳокимининг ўринbosарлари (Т.Хожикулов, Ж.Ҳақбердиев), туман Халқ таълим бўлими (Х.Хожикулов), туман Мактабгача таълим бўлими (М.Мирвафоева), туман тиббиёт бирлашмаси (У.Сувонов), Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (Б.Муродов), Маданият бўлими (Ф.Сироҷиддинов)
18.	Ҳалқ таълими тизимидағи ичимлик суви билан таъминланмаган умумтаълим мактаб-ларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш.	2020 йил 1 ноябрга қадар	Туман ҳокимининг ўринbosарлари (Ж.Хўжамуродов, Т.Хожикулов, Ж.Ҳақбердиев), туман Халқ таълим бўлими (Х.Хожикулов), туман Молия бўлими (А.Мирзаев), “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ туман филиали (Ж.Мўминов)
VI. 2020/2021 йиллар қиши-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш бўйича чора-тадбирлар			
19.	Молиявий ахволи барқарор бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўллаб-куватлаш мақсадида уларга банк кредитлари ўз вақтида ажратилишини ва уларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш.	доимий равища	туман ҳокимининг биринчи ўринbosари (Ж.Хўжамуродов), АТБ “Агробанк” туман бўлими (Б.Ахмедов), АТ Халқ банки туман филиали (Б.Бердимуродов)
VII. Чора-тадбирлар бажарилашини назорат қилиш			
20.	Комиссия томонидан 2020/2021 йиллар куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати юзасидан таҳлилий маълумотларни вилоят штабига тақдим этиб бориш.	хар хафта якуни билан	Туман ҳокимининг ўринbosари (Т.Хожикулов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (Қ.Ражабов)
21.	Ижтимоий соҳада куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни беталафот ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда ходимлар учун зарур меҳнат шароитлари яратилгандигини доимий равища таҳлил қилиб, вилоят штабига ахборот киритиб бориш.	хар хафта якуни билан	Туман ҳокимининг биринчи ўринbosари (Ж.Хўжамуродов), туман Бандликка кўмаклашиш маркази (М.Гадоев)
22.	<p>Туман иктисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ва натижаларини, жумладан:</p> <p>аҳолини суюлтирилган газ ва кўмир билан таъминлаши масалаларини;</p> <p>мавсумига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишида камчиликларга йўл кўйган ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминлаш.</p>	доимий равища	Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Н.Рахматова), “Кўшчинор” газетаси (М.Юлдошева)

Туман ҳокимининг 2020 йил
“о” ноябрдаги 689-К-сонли
нарорига 2-иљёва

Туманда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соди объектлари ва юн квартирали турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувоғиқлаштириш бўйича туман комиссияси

ТАРКИБИ

№	Исми ва Фамилияси	Лавозими
1.	Ж.Хўжамуродов	туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси
2.	Т.Хожиқулов	туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
3.	Ж.Ҳақбердиев	туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
4.	Н.Асадов	туман ҳокимининг ўринбосари-туман Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, комиссия раиси ўринбосари
5.	Қ.Ражабов	Туман уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш бўлими бошлиғи, комиссия котиби
6.	Ҳ.Хожиқулов	Туман халқ таълими бўлими мудири
7.	А.Марупов	туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи уринбосари
8.	А.Мирзаев	туман ҳокимлиги молия булими мудири в.б
9.	У.Сувонов	туман марказий шифохонаси бош врачи
10.	М.Мирвафоева	туман мактабгача таълим бўлими бошлиғи
11.	Ш.Тоғаев	туман ИИБ бошлиғи
12.	А.Шодиев	туман ДСЭОМ бош врачи
13.	Ф.Муратов	туман электр таъминоти корхонаси раҳбари
14.	М.Пардаев	“Тойлоктумангаз” филиали бошлиғи
15.	Ж.Мўминов	“Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ туман филиали бошлиғи
16.	Б.Ахмедов	АТБ “Агробанк” туман филиали бошлиғи
17.	А.Очилов	туман ФВБ бошлиғи

Комиссия таркибига жойлардаги маҳалла фуқаролар йигинлари раислари ҳам киради.
Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига янги тасдиқланган ходим комиссия аъзоси хисобланади.